

## CORNUS MAS L. НИНГ ЁҒОЧЛАШГАН ҚАЛАМЧАЛАРИДАН КЎПАЙТИРИШ

**Маткаримова Гулназ Мақсуджановна**

*Самарқанд давлат Тиббиёт университети*

*Тиббий биология ва генетика кафедраси ассистенти*

**Аннотация.** Доривор ўсимликларнинг табиий заҳиралари чекланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, интродукция шароитда етиштириш долзарб аҳамият касб этади. Ҳозирда турли экологик муҳитларда тарқалган доривор ўсимликларнинг биоэкологик, биокимёвий, физиологик хусусиятларини ўрганиш, доривор ўсимликларнинг интродукция шароитларига мослаштириш хусусиятларига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кизил номи билан аталувчи - *Cornus mas L.* шундай доривор ўсимликлар жумласига киради. Халқ табобатида жуда кўп фойдали хусусиятлари мавжуд. Кизил биологик фаол моддаларнинг манбаи бўлиб, уни биз қимматли озиқ-овқат ва иммунитетни мустаҳкамловчи доривор ўсимлик сифатида илмий ўрганишимиз мақсадга мувофиқдир.

**Калит сўзлар.** *Интродукция, вегетатив, генератив, ноқулай шароит, илдиз тизими, яшил қаламча, стимулятор.*

Самарқанд вилояти шароитида узоқ вақтлардан буён айрим турдаги мевали ўсимликларни (дарахт ва бута) дала шароитида биологик пишиб етилган новдалардан тайёрланган қаламчалардан кўчат кўпайтириш давом этиб келмоқда. Мевали ўсимликларни ёғочлашган қаламчалардан кўпайтиришнинг бир қанча афзалликлари мавжуд. Ушбу вегетатив кўпайтириш усулида она ўсимликнинг барча белги ва хусусиятлари, қаламчадан кўпайтирилган кўчатларда тўлиқ сақланиб қолиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Мевали ўсимликлар кўчатини ёғочлашган қаламчалардан кўпайтиришда мевали ўсимлик турларига боғлиқ ҳолда қаламчаларда илдиз отиш ва ривожланиш турлича бўлиши илмий манбалардан бизга маълум. Биз тажрибаларимизда ўрганаётган оддий кизил ўсимлик турини, вегетатив ва генератив усулда кўпайтириш имкони мавжуд.

Бизга маълумки *Cornus mas L.* мевали ўсимлик кўп парваришланадиган худудларда, уни ёғочлашган қаламчаларидан ҳам кўпайтириш тўғрисида илмий манбаларда келтириб ўтилган. Айрим тадқиқотчиларни фикрича ҳар хил ўсимлик турлари ва навлари сифатли қаламчаларнинг маълум даврига ва экиш муддатига боғлиқ бўлади.



1-расм. *Cornus mas* L. Мевалари

Мевали ўсимликларни қийин илдиз олувчи турларда ва навларда ёғочлашган новдалардан тайёрланган қаламчаларда илдиз отиш жарёни жуда қисқа бўлиб, новдаларнинг маълум бир ўсиш даврига тўғри келади. Айрим мевали ўсимлик турларида эса бу жараён жадал ўсиш фазасига тўғри келса (шафтоли, олча, олхўри ва бошқалар), бошқаларида жадал ўсиш фазасининг тугаши билан бошланади (олма, нок, крижовник ва бошқалар).

Бизга маълумки мевали ўсимликлар қаламчаларни нафақат экиш муддатига ёки уларнинг ўлчамига, балки уларнинг илдиз олувчанлиги ( $r=84$ ), илдиз ҳосил бўлиш вақти, қаламчада куртакларнинг уйғонувчанлиги, ўсимлик илдиз тизими ва ер устки қисмининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқлиги тажрибаларимизда кузатилди.

*Cornus mas* L.нинг кўчатларини вегетатив усулда етиштиришда ўстирувчи моддаларнинг ҳам аҳамияти муҳим ҳисобланади. Узок вақтлардан буён мевали ўсимликларни вегетатив кўпайтиришда, қаламчаларнинг илдиз олишига таъсир кўрсатадиган турли турдаги ўстирувчи моддалардан ҳар хил муддатда қўлланилиб келинган. Замоновий ўстирувчи моддалар аввалгиларидан кескин фарқланиши ва юқори самардорлиги билан ажралиб туради. Замоновий ўстирувчи моддалар кўчатларни етиштиришда нафақат қаламчаларда каллус пайдо бўлиши, илдиз тизимини яхши ривожланиш учун балки қаламчаларнинг ва ривожланиш жараёнидаги кўчатларни ҳар хил ноқулай ташқи муҳит омилларига чидамлилигини ҳам таъминлайди. Ушбу ўстирувчи модда (стимуляторлар) ёш кўчатларни илдиз тизимини бақувват бўлиб ривожланишида ва интенсив кўчат тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мевали ўсимликларини қаламчалардан кўпайтиришда бир қанча омилларни таъсири бўлсада энг муҳимларидан бири стимуляторлар ҳисобланади. Ўстирувчи моддалар (стимулятор) ўсимлик ҳужайралари фаолиятига таъсир ўтказиб уларнинг биокимёвий жараёнларини фаоллаштиради. Натижада вегетатив қаламчаларда яшовчанлик эҳтимоли ортади ва ўстирувчи модда (стимулятор) таркибида кенг спектрдаги регуляторлар ва адаптоген моддалар қаламчаларнинг стресс ҳолатига бардошлилигини оширади.

Қаламчалар илдиз отгандан сўнг ҳам доимий жойига ўтқазгунга қадар маълум бир вақт кетади. Шу давр ичида ҳам ўстирувчи моддалар ёш илдиз отган кўчатларни

доимий жойига экишгача бўлган вақт ичида ҳам стресс ҳолатларга чидамлилигини таъминлайди. Замонавий стимуляторлар ёрдамида кўчатларнинг тутувчанлик даражаси ортади ва ноқулай шароитларга бардошлилиги таъминланади.

Тажрибаларимиз давомида қизил ўсимлигини яшил новдаларини май ойида она ўсимликлардан қирқиб олиниб маълум бир ўлчамда қаламчалар тайёрланиб ушбу стимуляторлар ёрдамида ишлов берилиб, сунъий туман ҳосил қилувчи мослама билан жихозланган химояланган иншоотга, дарё қумидан тайёрланган экиш майдончасига 4 вариант ва 4 қайтариқда қаламчалар экилди. Қаламчаларни тайёрлашда ва иншоотдаги ҳарорат ва нисбий намликни таъминлашда, илмий манбаларда келтирилган маълумотларга ва ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб борган олимларнинг тавсияларига асосан тажрибаларимизни олиб бордик.

Тажрибалар шуни кўрсатдики яшил қаламчаларни экишдан олдин маълум бир стимуляторлар билан турли хил муддатларда ишлов берилганда қаламчаларни илдиз отиш даражаси турлича бўлганлиги кузатилди. Ушбу стимуляторда қаламчаларнинг илдиз отиш кўрсаткичлари 90-92 % гача бўлганлиги тажрибаларимиз давомида аниқланди. Шу билан бирга яшил қаламчаларни илдиз отишига ижобий таъсир кўрсатишда стимуляторларга солиб қўйишдаги энг мақбул муддат 16-18 соат бўлганлиги тажрибаларимизда аниқланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тажрибаларимизда *Cornus mas L.* ўсимлиги навларни кўчатини етиштиришда яшил қаламчаларни илдиз отишига маълум бир стимуляторларни таъсири ўрганилганда, навлараро тафовутлар мавжудлиги ва стимулятор турларини, илдизларни шаклланиш даражасига бевосита таъсир ўтказиши кузатилди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Gulnaz Matkarimova, Nodira Nurullayeva, Khislat Khaydarov.// Flavonoids and Amino Acids Analysis of the Fruits of *Cornus mas L.* Introduced in Uzbekistan.// American Journal of Plant Sciences, 2023, 14, 1075-1084

2. Маткаримова Гулназ Максуджановна, Хайдаров Хислат Кодирович, Нодира Нуруллаева, *CORNUS MAS L.* НИНГ АҲАМИЯТИ ВА МЕВАЛАРИНИНГ ФЛАВОНОИДЛАР ТАРКИБИ. О‘ЗБЕКISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2022, [3/2] ISSN 2181-7324. BIOLOGIYA. <https://science.nuu.uz/> Natural sciences. Стр 100-102

3. Маткаримова Г.М., Хайдаров Х.К. *Cornus mas L.* меваларининг аминокислоталар таркиби. 2022-5/1. Вестник Хорезмской академии Маъмуна. Издается с 2006 года. Хива-2022. Стр 71-74

4. Gulnaz MATKARIMOVA, Xislat HAYDAROV // *CORNUS MAS L.* NING TARQALISH AREALI, MAHALLIY FLORADA TUTGAN O‘RNI VA MEVALARINING KIMYOVIY TARKIBI // О‘ЗБЕКISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023, [3/1] .ISSN 2181-7324. Стр 111-114.

5. Г.М. Маткаримова, Х.Қ. Хайдаров, Халилова М.И. МОРФОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КИЗИЛА (*CORNUS MAS L.*) В УСЛОВИЯХ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ. ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ “Доривор ўсимликлар: биологияси, етиштириш ва ишлатилиши” мавзусидаги илмий-амалий анжуман МАТЕРИАЛЛАРИ. 30 октябрь 2020 года. Стр 80-83

6. Маткаримова Г.М., CORNELIAN CHERRY (*CORNUS MAS L.*) HISTORY OF INTRODUCTION TO CULTURE. *European Journal of Biomedical and Life Sciences*. № 2–3 2022 . Vienna. 68-70

7. Маткаримова Г. М., Назарова Г. Х., Исламова З. Б. РАСТЕНИЯ КИЗИЛ (*CORNUS MAS L.*)-ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА И ИСПОЛЬЗОВАНИЕ //ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2021. – С. 11-13.

8. Matkarimova Gulnaz Maksudjanovna and Islamova Zebiniso Bustanovna 2020. FIRST CELL OBSERVATIONS AND RESEARCH. *Archive of Conferences*. 1, 1 (Jun. 2020), 142-143.

9. Халимбетов Ю. М. и др. Гармонично развитое поколение-основа прогресса Узбекистана //Достижения науки и образования. 2020. – №. 2 (56). – С. 14-17.

10. Asliddin A., Gulnaz M. *An American Scientific Journal TEXAS JOURNAL of Agriculture and Biological Sciences*. – 2023.

11. Назарова Ф. Ш., Маткаримова Г. М. Гельминтозы человека и их морфо-физиологические свойства приспособления //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 5 (59). – С. 89-92.

12. Маткаримова Г. М. и др. Фитонцидные растения и перспективы их использования в озеленении //Сучасні досягнення фармацевтичної технології і біотехнології. Збірник наукових праць.-Харків: Вид-во НФаУ. – 2019. – С. 314-318.

13. Назарова Ф. Ш., Маткаримова Г. М. Морфо-физиологические и биохимические свойства приспособления гельминтов //Проблемы науки. – 2019. – №. 4 (40). – С. 26-

14. Akbarov Asliddin, & Matkarimova Gulnaz. (2024). THE TREATMENT AND PREVENTION OF DERMATOLOGICAL SYMPTOMS CAUSED BY VIRUSES BASED ON MEDICINAL PLANTS, PHYTO AND PHARMACOTHERAPY. *IMRAS*, 7(1), 70–72. Retrieved from

<https://journal.imras.org/index.php/sps/article/view/776>

15. Akbarov Asliddin Matkarimova Gulnaz. (2023). PREVENTION OF GERIATRIC DISEASES AND SYNDROMES IN THERAPEUTIC PRACTICE USING THE INNOVATIVE PHYTOPREPARATION SARSABIL. [Data set]. Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10372380>

16. Akbarov Asliddin, & Matkarimova Gulnaz. (2023). Pharmacokinetics and Pharmacodynamics of the Plant Sarsabil Prepared on the Basis of Phytoactive and Extract of High Effectiveness in The Practice of Aesthetic Medicine Dermatology and Dermatocosmetalology Analysis of Theoretical and Practical

Goals. *Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 21, 32–34. Retrieved from <https://www.zienjournals.com/index.php/tjabs/article/view/4517>

17. Akbarov Asliddin, & Matkarimova Gulnaz. (2023). THE EXTRACT IS HIGHLY EFFECTIVE IN ARTERIAL HYPERTENSION ATHEROSCLEROSIS AND NEUROSES ITS ROOT IS TREATMENT FOR RHEUMATOLOGY GOUT AND DENTAL DISEASES THE ASPARAGUS IS AN INNOVATIVE VALUE IN MEDICINE AND MODERN PHARMACEUTICALS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(8), 368–370. Retrieved from <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/5636>
18. Maksudzhanovna M. G. MEDICINAL VALUE OF CORNUS MAS L. AND FLAVONOID COMPOSITION OF FRUITS //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D4. – С. 140-142.
19. Matkarimova G. THE ROLE OF CORNUS MAS L. IN THE LOCAL FLORA AND THE VALUE OF FRUITS //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. D4. – С. 34-37.
20. Matkarimova G., Nurullayeva N., Khaydarov K. Flavonoids and Amino Acids Analysis of the Fruits of Cornus mas L. Introduced in Uzbekistan //American Journal of Plant Sciences. – 2023. – Т. 14. –№. 9. – С. 1075-1084.
21. Акбаров А. Т. У., Маткаримова Г. М. ТОКСИЧЕСКОЕ ДЕЙСТВИЕ АНТИБИОТИКОВ И СВОЙСТВА //Research Focus. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 364-368.
22. Matkarimova Gulnaz Maksudjanovna. (2022). DOGWOOD “CORNUS MAS.L” - VERY ANCIENT CULTURE PLANT. *EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)*, 8(3), 182–187. Retrieved from <http://epra>
23. Маткаримова Г. М. CORNUSMASL.-ПОПУЛЯРНОЕ ЛЕКАРСТВЕННОЕ СРЕДСТВО НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЕ //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 2. – №. 1.